

**O'RTACHIRCHIQ TUMANLARARO
IQTISODIY SUDI**

111507, O'rtachirchiq tumani, Qorasuv qo'rg'oni,
Temirchi ko'chasi, 3a-uy



**УРТАЧИРЧИКСКИЙ МЕЖРАЙОННЫЙ
ЭКОНОМИЧЕСКИЙ СУД**

111507, Уртачирчикский район, пос. Қорасув,
улица Темирчи, дом 3 "а"

Tel: (+99870) 762-30-94

e-mail: i.urtachirchiq@sud.uz

А Ж Р И М

(аризани кўрмасдан қолдириши тўғрисида)

Ўртачирчиқ тумани 2023 йил 30 март 4-1104-2302/1107-сонли иш

Ўртачирчиқ туманлараро иқтисодий суди, судья Т.Салимов раислигида, судья ёрдамчиси Ж.Ибрагимов котиблигида аризачи Ххххнинг жавобгар «ХХХХ» масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризасини аризачи вакили Ф.Файзиев (ишончномага асосан) иштирокида, суд биносида, очик сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Аризачи Хххх Ўртачирчиқ туманлараро иқтисодий судига ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар «ХХХХ» масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили ариза важларини қувватлаб, жавобгар томонидан 2023 йил учун юридик шахслар мол-мулк солиғи бўйича солиқ ҳисоботи тақдим этилмаганлиги, шу сабабли ДСИ томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддасига асосан судга мурожаат қилинганлиги, ДСИ томонидан судга мурожаат қилинганидан сўнг ҳам жавобгар томонидан солиқ ҳисоботлари тақдим этилмаганлигини баён қилиб, аризани қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгардан суд мажлисида вакил иштирок этмади ва низо юзасидан муносабат билдирмади. Мазкур ҳолатда суд Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринларда ИПК)нинг 220-моддасига асосан ишни жавобгар иштирокисиз кўришни лозим топади.

Суд ишда иштирок этган аризачи вакилининг тушунтиришларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб, уларга ҳуқуқий баҳо бериб, суд қуйидаги асосларга кўра аризани кўрмасдан қолдиришни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, СКнинг 273-моддасига асосан солиқ тўловчилар, агар ушбу бобда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари белгилаб қўйилган бўлсада, жавобгар томонидан 2023 йил учун юридик шахслар мол-мулк солиғи бўйича солиқ ҳисоботлар тақдим этилмаган.



Ххххнинг жавобгар «XXXX» масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси Ўртачирчиқ туманларо иқтисодий суди томонидан иш юритишга қабул қилиниб, ишни кўриш 2023 йил 24 март кунига тайинланган.

ИПКнинг 107-моддаси биринчи қисми биринчи бандига кўра суд фуқаролик ишлари бўйича суд, иқтисодий суд, ҳакамлик суди иш юритишда айна бир шахслар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлса, даъво аризасини кўрмасдан қолдиради.

Юқоридаги баён этилган ҳолатларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 107, 191-195-моддалари қўллаб, суд,

а ж р и м қ и л а д и :

Ххххнинг аризаси кўрмасдан қолдирилсин.

Мазкур ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Судья

Т.Салимов

